

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 73 (1672), 2026 йил 14 апрель, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАЛАРНИ ҚўЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА СУД НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш тартибини янада либераллаштириш, бу борада ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва мансбдор шахслар фаолияти устидан суд назорати самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоги билан танишди.

Тақдимода бугунги кунда молиявий жарималарни қўллаш амалиётида тадбиркорлар учун қатор муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди. Хусусан, айна пайтда жарималарнинг аксарияти ваколатли органлар, қолганлар эса судлар томонидан қўлланилаётгани суд назоратини кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан жорий йил 1 октябрдан молиявий жарималарни ижтимоий тўлашнинг рағбатлантириши янги ва ягона тартибни жорий этиш таклиф қилинди. Унга кўра, тадбиркорлик субъекти ваколатли органнинг қарори топширилган кундан бошлаб бир ой ичида жариманинг 50 фоизини тўласа, қолган қисмини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, жаримани олти ой давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш назарда тутилмоқда. Бунда қарор топширилганидан сўнг бир ой ичида жарима суммасининг олтидан бир қисми тўланса, мазкур тартиб автоматик равишда амал қилади.

Суд назоратини кучайтириш мақсадида ваколатли органнинг молиявий жаримани қўллаш тўғрисидаги қарори суд томонидан бекор қилинган ёки ҳақиқий

эмас деб топилган тақдирда ундирилган маблағларни 15 кун муддатда қайтариш механизмини белгилаш таклиф этилди. Агар ушбу муддат бузилса, кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун Марказий банк асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоиз ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

Молиявий жарималарни қўллаш жараёнларини рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бизнес-омбудсман томонидан юридиларига “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланилган молиявий жарималарнинг электрон реестрини жорий этиш таклиф қилинди.

Ваколатли органларнинг қарорлари қабул қилинганидан кейин электрон рақамли имзо билан мазкур тизимга киритилиши шарт бўлади. Ахборот тизимига киритилмаган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган қарорлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда улар асосида жарима ундирилмайди.

Шунингдек, мобил иловат орқали молиявий жарималар ҳисобини юритиш, уларни мониторинг қилиш ва онлайн тўлаш имкониятини яратиш, манфаат-

дор идораларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш зарурлиги қайд этилди. Солиқ тўловчи — тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети орқали молиявий жарима тўғрисидаги қарорлар устидан онлайн шикоят бериш ва шикоят киритилиши билан қарор ижросини автоматик тўхтатиб туриш имкониятини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Тақдимода ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартибини унификация қилишга қаратилган “Ҳуқуқий таъсир чоралари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни қонунга риоя этган ҳолда фаолият юритишга рағбатлантириш, жарима қўллаш амалиётида адолат ва шаффофликни таъминлаш энг муҳим вазифалардан эканини таъкидлади.

Таклифларни пухта ишлаб чиқиб, суд назоратини кучайтириш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва соҳада ягона, аниқ ҳамда адолатли ҳуқуқий механизмни шакллантириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

БУХОРО САММИТИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАНИНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИДИР

Хорижий экспертлар Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг учрашуви ҳақида



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 11 апрель куни амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Бухорода ўтган учрашувда давлат раҳбарлари икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг кенг қўламли масалаларини муҳокама қилдилар, иқтисодий шерикликни мустаҳкамлаш, саноат кооперациясини кенгайтириш, энергетика, рақамли технологиялар ва экологик хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратдилар.


Ушбу ташриф экспертлар орасида кенг муҳокама қилиниб, унинг натижалари хорижий сиёсатшунослар ва таҳлилчилар томонидан юқори баҳоланди.

▶ Давоми 2-бетда

Тарихдан сабоқ

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ

Аждодларимизнинг бой тажрибаси ва деҳқончилик сирлари бугун ҳам амалдами?



Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини илм-фан ва янги технологиялар асосида ривожлантириш борасида катта мақсадлар қўйилган. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳар гектардан 5 минг доллар даромад олиш, экспортни 10 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун нафақат хорижий технологиялар, балки ота-боболаримизнинг минг йиллар давомида тўплаган тажрибаси ҳам керак.

Шу маънода, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига бағишлаб, Фанлар академияси билан ҳамкорликда “Амир Темур ва темурийлар даврида қишлоқ хўжалиги” монографияси нашрга тайёрлангани диққатга сазовор. Китоб асосида XV-XVI асрларда ёзилган “Фани кишту зирот” (“Деҳқончилик илми”) нодир қўлёзмасти ётади. Ушбу монографияда темурийлар давридаги деҳқончилик ва

маҳсулот етиштиришнинг бой тажрибаси келтирилиб, зарур жойларда ўша давр усуллари ва ёндашувлар изоҳлар билан очиб берилди. Китобда шундай усуллар борки, улар қизиқ, оддий, фойдали, ҳайратланарли ва унутилган бўлса-да, ҳозир ҳам қўлланилиши мумкин. Келинг, шу сирларни биргаликда кашф қилайлик.

▶ Давоми 3-бетда

Халқаро конференция

МОЗИЙНИ ЎРГАНИШ — ИСТИҚБОЛНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ САЊАТИДИР



Бугунги мураккаб геосиёсий жараёнлар даврида ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини белгилар экан, энг аввало, ўзлигини англашга, тарихий илдиларига ва бой маънавий меросига таянади. Тарих келажакни лойиҳалаштириш ва миллатнинг эртанги тақдирини белгилашда хизмат қиладиган энг қудратли ресурсдир. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган “Амир Темур ва темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция янги Ўзбекистоннинг маънавий юксалиш концепциясини намойиш этган муҳим воқеаликка айланди. Анжуман аввалида Президентимизнинг халқаро илмий конференция иштирокчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

“Мазкур илмий форум ўлкаимиз тарихидаги улугвор ва ёрқин босқични ташкил этадиган Иккинчи Ўйғониш даври — темурийлар Ренессанс моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокамалар ўтказиш, янги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз”, дейилади табриқда.

Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги “Буёқ давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори миллий ўзликни англаш жараёни янги босқичга чиққанини кўрсатади. Соҳибқирон меросини ўрганиш давлат сиёсатининг ўзига хос йўналишига айлангани Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси теран тарихий заминга эга эканини тасдиқлайди.

▶ Давоми 3-бетда

Кун мавзуси

ЎКИ ИНТИЗОМ, ЖАРИМА

Юртимизда йўл ҳаракати қондабузарликларини содир этганлик учун ҳайдовчиларга нисбатан жарима балларини ёзиш тизими ишга тушганига ҳам ярим йилдан ошди. Бу борадаги муҳокамалар ҳамон давом этаётган бир вақтда эса янада катъийроқ тартиб амалга киритилди — эндиликда жорий йилнинг 1 апрелидан камералар ҳам қондабузарликлар учун жарима баллари ҳисоблашни бошлади.

▶ Давоми 4-бетда

ОҚ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

Ерга ниҳол қадагандан сўнг унинг мевасини кўриш учун парвариш қилиш керак. Тагини юмшатиб, суғориш, зарур озқалар бериб бориш талаб этилади. Агар унга яхши эътибор қаратилса, ғамхўрлик қилинса, кун келиб серҳосил, басавлат дарахтга айланади ва мўл ҳосил беради. Акс ҳолда, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Ёш авлоднинг илм-маърифатли, касб-ҳунарли, эл қорига ярайдиган инсон, соҳасининг етук кадри бўлиб етигиши учун ҳам худди шу навниҳолга кўрсатилганидек эътибор ва ғамхўрлик зарур.

▶ Давоми 6-бетда

БУХОРО САММИТИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАННИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИДИР

Бошланиши 1-бетда

Антонио АЛОНСО,
Испаниянинг Сан-Пабло СЕУ
университети профессори,
Марказий Осиё минтақаси
бўйича мутахассис:



— Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Бухорода бўлиб ўтган саммити Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кенгайиб бораётган стратегик синергиянинг ёрқин далили эканини таъкидламоқчиман.
Энг муҳими, етакчиларнинг Ўзбекистон — Қозоғистон мунтазам мулоқоти декларатив эмас, балки амалиётга йўналтирилган характерга эга. Аниқ натижалар — товар айирбошлаш ўсиши, саноат кооперацияси кенгайиши ва инфратузилма лойиҳалари илгари сурилиши икки томонлама муносабатларнинг барқарор динамикасида долалат беради. Кўрсаткичнинг 5 миллиард АҚШ долларига етгани ва товар айирбошлашни янада кўпайтириб, 10 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган иқтисодий ишонч ва ўзаро манфаатдорлик юқори эканидан долалат беради.
Транспорт-логистика соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Глобал таъминот занжирлари ўзгариши шарафига айнан шундай ташаббуслар Марказий Осиёнинг муҳим транзит ва интеграция макони сифатидаги янги геоиқтисодий ролини шакллантиради.

Алёна ПАВЛЕНКО,
азербайжонлик таниқли
сиёсатшунос ва журналист:



— Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга амалий таърифи икки мамлакат ўртасида сўнгги йилларда шаклланган юқори ишонч ва стратегик яқинлашувнинг мантиқий давоми сифатида баҳоланмоқда.
Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатлари фақат сиёсий мулоқот билан чекланиб қолмапти. Ҳамкорлик иқтисодий, инфратузилмавий ва минтақавий даражада кенгайиб, комплекс тус олмоқда.
Хусусан, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланиши ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси амалий натижаларга айланаётганини кўрсатмоқда.
Иқтисодий ҳамкорлик бу жараёнда асосий ўрнини эгалламоқда. 10 миллиард долларлик товар айирбошлаш мақсади нафақат

рақам, балки саноат кооперациясини янада чуқурлаштиришга қаратилган стратегик вазифадир.
Ўзбекистон Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил январь-февраль ойларида икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 837,5 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 26,8 фоиз ошган.

Шунингдек, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги сармоялари ҳам ортиб бормоқда. 2026 йил бошига келиб мамлакатда қозоғистонлик инвесторлар иштирокидаги 1221 та корхона фаолият юритмоқда. Ҳозир саноат кооперацияси доирасида умумий қиймати 1,8 миллиард доллар бўлган 78 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.
Транспорт ва логистика соҳаси ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Икки давлат темир йўл тармоқлари ва чегара инфратузилмасини ривожлантириш орқали Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига қишқик имкониятларини кенгайтиришга интилаётди.
2025 йилда юк ташиш ҳажми 32,3 миллион тоннага етиб, 16 фоиз ўсди ва сўнгги ўн йилликдаги энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Бу эса нафақат савдо ҳажми ошганини, балки минтақанинг транзит аҳамияти кучайиб бораётганини ҳам кўрсатади.
Чегара ҳудудида барпо этилаётган Марказий Осиё халқаро саноат кооперацияси маркази ҳам муҳим лойиҳалардан бири. Уни 2026 йилгача яқинлаш режалаштирилган. Ушбу марказ трансчегаравий бизнесни ривожлантириш ва саноат интеграциясини тезлаштиришга хизмат қилади.
Бундан ташқари, 2026 йил 3 апрель кунини Тошкент вилоятида замонавий кўп тармоқли логистика марказини қуриш бўйича ЕРС шартномаси имзоланди. Лойиҳа “PTC Holding”, “Ўзбекистон темир йўллари” ва “China Railway Construction Engineering Group” иштирокида ташкил этилган “Silkway CA” қўшма корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг биринчи босқичига 84 миллион доллар сармоя киритилиши кўзда тутилган бўлиб, у темир йўл инфратузилмаси, контейнер терминали ва замонавий логистика хизматларини ўз ичига олади.
Сув ресурсларини бошқариш соҳасида ҳамкорлик мустақамланмоқда. Трансчегаравий сув объектлари бўйича 2025 йил ноябрь ойида имзоланган битим сувдан самарали фойдаланиш, маълумот алмашиш ва фақулда ҳолатларнинг олдини олиш механизмларини белгилайди.
Энергетика соҳасида ҳам янги ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жумладан, Қирғизистонда Норин дарёсида қурилаётган Қамбарота ГЭС-1 лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.
Шунингдек, Қозоғистон 2026 йил 9 апрель кунини Озарбайжон ва Ўзбекистон билан “яшил” энергия соҳасидаги стратегик шериклик битимини ратификация қилди. Ушбу келишув қўшма энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, энергетика тизимларини ўзаро боғлаш ва Каспий денгизи орқали электр энергияси узатишни назарда тутди.
Умуман олганда, бу жараёнлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустақамланиб, нафақат икки томонлама, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда.
Шу нуқтага назардан, Бухорода ўтган олий даражадаги музокара олдди дипломатик учрашув эмас, балки янги минтақавий иқтисодий тизимни шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

2026 йил 3 апрель кунини Тошкент вилоятида замонавий кўп тармоқли логистика марказини қуриш бўйича ЕРС шартномаси имзоланди. Лойиҳа “PTC Holding”, “Ўзбекистон темир йўллари” ва “China Railway Construction Engineering Group” иштирокида ташкил этилган “Silkway CA” қўшма корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

Александр ВОРОБЬЁВ,
Россия Фанлар
академияси
Шарқшунослик
институтининг илмий ходими,
Жамоат дипломатияси
ва жаҳон сиёсатини
таҳлил қилиш маркази
директори:



— Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Бухорога таърифи Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада жадал ривожлантиришга мос келади.
Тошкент ва Остона муносабатлари Марказий Осиёдаги минтақавий интеграциянинг ўзаги бўлиб, бу муносабатлар бугунги кунда кенг қамровли характерга эга. Бу нафақат икки давлат ўртасидаги савдо, балки саноат кооперацияси, қўшма корхоналар фаолияти, минтақадан ташқарига чиқаётган умумий транспорт-логистика лойиҳалари, сувдан фойдаланиш масалалари ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликдир.
Қозоғистон раҳбарининг таърифи ҳам иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича вақтинч тўғрилиш, ҳам ҳамкорликни янада жадаллаштириш учун шaroит яратишга муҳим аҳамиятга эга. Қозоғистон етакчисининг Ўзбекистонга таърифи чоғида ҳамкорликнинг юқорида қайд этилган асосий йўналишларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.
Геосиёсий ноанлиқ шaroитида Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарияти икки томонлама алоқалар орқали ҳам икки мамлакат тараққиётига, ҳам бутун минтақанинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган қўшма ҳамкорликни тезлаштиради.

Хан ХУ,
Пекин халқаро мулоқот
клуби бош котиб:



— Қозоғистон Президенти амалий таъриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу гал икки давлат раҳбарлари тарихий ва гўзал Бухоро шаҳрида учрашди.
Етакчилар минтақавий хавфсизлик, иқтисодий алоқаларни мустақамлашнинг кенг қўламли масалаларини муҳокама қилди. Дастурни бойитиш учун улар таърифни Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси каби маданий объектларни зиёрат қилишдан бошлади.
Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда биргаликда ҳаракат қилишнинг янги формати ташаббускорли сифатида яқин кўшнлар билан дўстона муносабатларни мустақамлашга доимо алоҳида аҳамият беради.

Ҳамкорлик ишончли ўсишни кўрсатмоқда. Ўзаро савдо ҳажми йилга 5 миллиард долларга яқинлашмоқда. Ўзбекистон компаниялари Қозоғистонда ўз ваколатхоналарини фаол равишда очиб, минтақадан ишбилармонлик мувозанатини ўзгартирмоқда. Мамлакатлар ўзаро савдо ҳажминини 10 миллиард долларга етказишни мақсад қилган.
2026 йил апрель ойида Самарқандда икки мамлакат илмий-иқтисодий зиялиларининг “маданий кўприклар”ни мустақамлашга қаратилган иккинчи форуми бўлиб ўтди.
Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон сунъий интеллект бўйича миллий дастурларни фаол ривожлантирмоқда ва умумийлик ҳақонига биргаликда таъриф буюриш режалари ушбу долзарб йўналиш бўйича қўшма ҳамкорликдан яққол долалат беради.
Кўп йиллик ҳамкор шерикларимизга улкан муваффақият, фаровонлик, тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар
академияси Фалсафа,
сиёсатшунослик ва ҳуқуқ
институтининг илмий ходими:



— Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг Бухородаги учрашуви қардош давлатлар ўртасидаги яқинлашув, яхши қўшнчилик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этади.
Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёдаги иқтисодий бақувват давлатлар бўлиб, улар минтақавий ялли ички маҳсулотнинг қарийб 80 фоизини ва минтақа аҳолисининг 70 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, АКТ технологияларини кенг жori этиш ва келажакка бўлган қарашлар — космик дастурларда иштирок этишда ҳам етакчилик қилмоқда.
Бу икки давлатда саноат кооперациясида ҳамкорлик қилиш ва минтақавий “Шимол — Жануб” ва “Шарқ — Ғарб” йўлақлари чорраҳасидаги транспорт-логистика марказига айлантириш учун яхши истиқболлар мавжуд. 2025 йил якунига кўра, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларга етган

бўлса, Бухородаги музокара яқинда яқин истиқболда ўзаро савдонини 10 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.
Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Бухорода вилоятни ривожлантиришни бошқаришдаги замонавий ёндашувлар — Бухоро вилоятини ҳокимлигининг ситуация маркази билан танишди. Бу ҳудуди космик парвозларни бошқариш марказига ўхшайди, у ерда вилоят ҳаёт фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар реал вақт режимида тўпланади, қайта ишланади ва тизимли таҳлил қилинади.
Давлат раҳбарлари Бухоро шаҳридаги универсал спорт мажмуасида сунъий интеллект бўйича ўтказилаётган “National AI Hackathon” умумийлик ҳақонига таъриф буюрди. Икки

мамлакат етакчилари Бухоро шаҳрида рақобатбардор тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини йўлга қўйган “Nigoga” компаниясининг саноат майдончаси билан танишди. Япония, Италия, Бельгия ва Германиядан келтирилган юқори технологик линиялар хоржий бозорларда ишончли рақобатлашиш ва йилга 20 миллион погон метр тайёр мато ва 1 миллион донна тивукичлик маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради.

Икки томонлама муносабатлар ютуқлари минтақа ривожини кенгайтиришида кўриб чиқилмоқда. 2026 йил Марказий Осиёда таркибий ўзгаришларнинг янги босқичини бошлаб беради. Ўзбекистон ташаббуси билан 2017 йилда бошланган интеграция жараёни Марказий Осиёни ҳамкорлик ва ишончнинг ягона минтақавий маконига босқичма-босқич ўзгартириб бормоқда.

“Дунё” АА

Янги тизим

ИНВЕСТИОР ҚОНУН ИШЛАЙДИГАН, ИШОНЧ БОР ЖОЙГА КЕЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда банк тизимида исломий молия механизмининг жорий қилиш бўйича тақдирот билан танишиш жараёнида “Кўлаб халқаро компаниялар минтақавий хавф-хатарларни баҳолаб, янги бозорларни ўрганишни бошлаган. Бу биз учун тарихий имконият. Шу вазиятда фурсатни бой бермасдан, халқаро молия компанияларини ўзимизга тезроқ жалб қилишимиз шарт”, деди.

Таъкидланганидек, жаҳондаги геосиёсий кескинлик шaroитида инвестицияларни жалб қилиш учун рақобат тобора кучайиб бормоқда. Юртимизнинг бой табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти ва ислохотлари эса бу борада катта устунлик яратмоқда.
Шу билан бирга, инвесторлар қандай давлатни танлайди, қайси мамлакатга миллиардлаб капитал оқиб киради, қайси бирини эса четлаб ўтади, нима учун баъзи давлатлар иқтисодиёти тез ўсади, бошқалари эса жойида депрессия тураверида деган саволлар кўпчиликни ўйлантирса, ажаб эмас.
Ҳа, бундай саволларнинг жавоби оддий, назаримизда. Аввало, инвестор тинч, ишончли, қонунлар ишлайдиган мамлакатга инвестиция киритади. Янги Ўзбекистон халқаро сармоядорлар учун ана шундай мамлакатлардан бирига айланади. 2025 йили иқтисодиётимизга 43,1 миллиард доллар хоржий инвестиция жалб қилинган ҳам фикримизни тасдиқлайди.
Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция жалб қилиш мақсад қилинган. Бироқ бунга эришиш учун инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига киришини

янада енгиллаштириш, уларга замонавий инфратузилма, халқаро стандартларга мос ҳуқуқий асос, қўшимча қулайликлар ва энг муҳими, ишончли ҳамда шаффоф бизнес муҳитини таъминлаш зарур.
Мамлакатимизда айни мақсадлар қамраб олинган комплекс жараён бошланди. Унинг архитектураси, стратегияси, тартиб-таомиллари Президентимизнинг шу йил 30 мартдаги “Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида тўлиқ белгилаб берилди.
— Ҳужжат билан Тошкент халқаро молия маркази ташкил этилди. Олдин қилиб тушунтирсак, бу — бозор. Унинг ичида молия инструментлари, криптоактивлар, маълумотлар алмашилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хоржий инвесторлар кенгаши котибияти раҳбари Азиз Гафуров. — Бундай халқаро молия марказлари санокли мамлакатда барпо этилган. Марказнинг биз учун аҳамияти жуда катта. Зеро, бугун дунё бозорига кузатилаётган мураккаб ҳолат ўзгаришлардан бир қадам олдинда юришни талаб этмоқда. Бу инвесторлар ишончли, катта имкониятлар учун янги босқични бошлаб беради.




Марказ ҳудудида молия, инвестиция ва банк фаолияти, сугурта, рақамли криптоактивлар, қимматли қоғозлар, тўлов тизимлари ва хизматлари, исломий ва “яшил” молия, молиявий технологиялар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш ва транзакцияларни амалга ошириш, аудиторлик, консалтинг ва юридик хизматлар кўрсатиш ҳамда марказ тўғрисидаги конституциявий қонунга мувофиқ бошқа фаолият турларини амалга оширишга рухсат берилди.

Халқаро экспертлар маълумотига кўра, халқаро молия марказлари барча глобал трансчегаравий инвестицияларнинг сезиларли қисmini жамлайди ва қайта тақсимлайди.
Масалан, Дубайдаги Халқаро молия маркази фаолияти ҳисобига шаклланган бозор ҳажми 800 миллиард долларни, йиллик даромад эса 500 миллион долларни ташкил этади. Франкфуртдаги Халқаро молия маркази эса ҳар йили 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилади. Бунинг ҳисобидан 70 мингта иш ўрни очилади. Қатар Халқаро молия маркази эса 32 миллиард доллар тўғрисидаги инвестиция жалб этиб, мамлакат ялли ички маҳсулотининг йиллик 3-4 фоизини таъминламоқда.
Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони молия маркази бошқа халқаро молия маркази ва унинг таркибиде Тошкент халқаро тижорат суди ташкил этилди.
Марказ ҳудудида молия, инвестиция ва банк фаолияти, сугурта, рақамли криптоактивлар, қимматли қоғозлар, тўлов тизимлари ва хизматлари, исломий ва “яшил” молия, молиявий технологиялар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш ва транзакцияларни амалга ошириш, аудиторлик, консалтинг ва юридик хизматлар кўрсатиш ҳамда марказ тўғрисидаги конституциявий қонунга мувофиқ бошқа фаолият турларини амалга оширишга рухсат берилди.
Шунингдек, фармон билан Тошкент халқаро молия марказининг асосий вазифалари, марказ кенгашининг таркиби, марказ бошқаруви органлари ташкилий тузилмаси, марказ ҳудуди чегараларининг тавсифи тасдиқланди.
— Марказга қўшимча ваколатлар берилиши назарда тутилмоқда, — дейди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Рустамбой Рустамов. — Мисол учун, энди Тошкент халқаро молия маркази бошқа халқаро молия марказлари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг резидентлари, лицензияларини тан олиш, икки ёклама резидентлик, шунингдек, ахборот тизимларини интеграция қилиш йўналишларида ҳамкорлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритмоқда.
Фармонга мувофиқ, марказ доирасида хоржий инвесторлар учун тушунарли ва қулай бўлган, етакчи халқаро молия марказларининг илгор стандартлари ҳамда Англия ва Уэльс

умумий ҳуқуқига асосланган махсус ҳуқуқий режим жорий этилади. Бу марказда миллий суд тизимига кирмайдиган, прецедент ҳуқуқи асосида инглиз тилида иш юритадиган Тошкент халқаро тижорат суди ташкил этилади дегани. Мазкур суднинг қарорлари Ўзбекистон ҳудудида сўзсиз тан олинади ва ижро этилиши қатъий таъминланади. Иштирокчиларга низоларни ҳал этиш жойи ва усулини мустақил танлаш ҳуқуқи қафолатланади.
Фармон асосида марказ органлари, иштирокчилари ва уларнинг ходимларига пул мажбуриятларини ўзларининг шартномаларида белгиланган хоржий валюталарда, жумладан, криптоактивда бажариш, меҳнат фаолияти ҳуқуқини берадиган тасдиқномани олмай, чет эллик фуқароларини ишга қабул қилиш, марказ резидент ходимлари ва онла аъзоларига 5 йилгача кириш визасини олиш махсус виза тартиби, марказ ҳудудидаги фаолиятдан олинган капитал ёки даромаднинг чекловларсиз репатриация қилиш ҳуқуқлари берилди.
Тошкент халқаро тижорат суди биринчи инстанция ва апелляция судидан иборат бўлади. Шунингдек, суд марказ ва Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолияти билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади. Тошкент халқаро тижорат судининг қарорлари тарафлар учун мажбурий кучга эга ва Ўзбекистон Республикаси суд тизими судлари ҳужжатлари учун белгиланган тартибда ижро этилади.
Фармонга мувофиқ, 2026 йилда Тикланиш ва тараққиёт мажмуаси томонидан марказга 20 миллион АҚШ доллари қийматида беғараз маблағ ажратилди.
Халқаро экспертлар фикрича, лойиҳа амалга оширилиши натижаида ҳар йили ЯИМни 1 фоиз ошириш, 2030 йилга бориб иқтисодиётимизга қўшимча 20-30 миллиард долларгача инвестиция жалб қилиш, шунингдек, яқин ўн йилликда 25 мингта янги юқори ҳақ тўланадиган иш ўрни очиш имкони пайдо бўлади.
Энг муҳими, марказ Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги инвестиция жозибадорлигини оширади ва Марказий Осиё минтақаси учун молиявий хаб вазифасини бажаради.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Тарихдан сабоқ

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Аждодларимизнинг бой тажрибаси ва деҳқончилик сирлари бугун ҳам амалдами?



Иброҳим АБДУРАХМОНОВ, қишлоқ хўжалиги вазири, академик

Бошланиши 1-бетда

Об-ҳаво қандай башорат қилинган?

Синоптик станциялар бўлмаган даврда деҳқонларимиз об-ҳавони қандай билган? Хайрон қоласиз — улар бунни ойга, қушларга ва ҳатто қозонга қараб башорат қилган. Масалан, агар ой учинчи ёки тўртинчи кечада ёрқин бўлса, кундузи ҳаво очик бўлган. Ой қизғин тортса — шамол кучайган, қорайса — ёмғир кўп ёққан. Чумчуқ ва саъва дарахт устида сайраса, ёмғир кутулган. Товуқ ўзини титқилайверса ёки қозон осилганда ўчоқ тағида учқунлар кўп бўлса — ёмғир ёғишини айтишган.

Ер ости сувини қаердан топиш мумкин?

Ўша даврда деҳқонлар ер ости суви қаердалигини билиш учун мис қозон ишлатган. Ҳа, тўғри англадингиз. Айнан қозон. Бунинг учун улар ерни уч газ (тахминан 2 метр) чуқурликда қовлаб, сариқ мис қозонни ё билан мойлаган. Тоза жундан ёнғоқ катталигида шарча ясаб, уни эритилган мумга ботириб, қозон ичига ёпиштирган. Кейин қозон тўнкарилиб, чуқурга кўмилиб, эрталабгача шу ҳолда қолдирилган. Агар қозон нам, жун шарча сувга тўлган бўлса, ер ости суви ер юзасига яқин, агар намлик кам бўлса, сув чуқурда.

Бугун бу иш геофизик асбоблар билан бажарилади. Аммо бобомизнинг усули ҳозир ҳам кичик фермерлар учун арзон ва тушунарли бўлиши мумкин.

Тупроқ шўрлигини... татиб билишган!

Ҳозир тупроқ шўрлиги махсус лабораторияларда аниқланади. Аммо теурийлар даврида бу борада оддийроқ йўл тутилган. Қандай дейсизми? Албатта, ерининг таъмига қараб. Бунинг учун икки-уч газ чуқурликдан бир ҳовуч тупроқ олиниб, хумчага солинган. Устидан ёмғир суви қуйиб, аралаштириб, сув

Анор ва узумни данаксиз етиштириш

Асарда нафақат ошқовоқ, балки анор ва узумни ҳам данаксиз (уругсиз) қилиш усуллари келтирилган. Анорни данаксиз қилиш учун экилаётган ниҳол бир газ миқдорига ёрилиб, ичидagi магзи олиб ташланади. Сўнг ёрилган жой бир-бирига ёпиштирилиб, лух (тол қавзоғи) билан боғланади, тоза лой ва янги гўнг билан сувалиб, ерга экилади. Кўклар чиққандан кейин ёриқ устидаги қисми кесиб ташланади. Натijaда етилган анорда уруғ бўлмайди. Узумни данаксиз қилиш учун эса токнинг ерга тегадиган қисми ёрилиб, ичидagi магзи олиб ташланган, сўнг ёриқ ёпиштирилиб, молнинг янги гўнги билан бўяб экилган. Бундай токнинг узуми уругсиз бўлиб етилади. Қаранг, оддий, лекин самарали усул.

Ҳозирги замон деҳқончилигида уругсиз мевалар селекция йўли билан олинади. Лекин боболаримиз механик усул билан ҳам шунга эришган хайратланарли. Афсуски, бу усуллар унутилган, бироқ бунни синаб кўрсак, бодорчиликда ҳақиқий янги тажриба бўлади.

Бир тоқдан уч рангли узум

Асардаги энг қизиқарли боблардан бири пайвандлашга бағишланган. Унда айтилишича, уч хил тоқдан икки газ узунликда уч новда олиниб, ҳар бири магзига зарар етказмай ёрилиб, сўнг бир-бирига ёпиштирилган. Лух билан боғланиб, экилган. Бундай ток ҳосили уч рангда бўлган. Тасаввур қилянда фермерлари бунни синаб кўрса, нафақат эр-

Беш юз йил аввал мавжуд бўлган усул

Бунисини ҳали эшитмагандирсиз?! Ҳозирги кунда уругсиз тарвуз, уругсиз узум каби навларга замонавий селекциянинг ютуғи сифатида қаралади. Лекин асарда бу бўйича ажабланирли усул баён этилган. Усул кўйидагича: ошқовоқ ёки бодрининг палаги (шохи) бир газ (0,7 метр) ўсгач, унинг остидан чуқур қовлашиб, паланчинг бир қисми шу чуқурга солиниб, учинчи бўлган турадиган қилиб кўмилиди. Палак бир газ ўсгач, бу иш яна такрорланади. Уч марта шундай қилингандан кейин палак ер остидан илдириб, асосий ўсимликдан ажралганда, қолган қисмидаги мева уругсиз бўлади.

Бунни қандай тушуниш мумкин? Илм-фанда бу ҳолат партенокария дейилади. Яъни урчтилмасдан мева туғиш ҳодисаси. Ҳозир бунга гормонал воситалар билан эришилади. Боболаримиз эса механик усул — паланки кўмиб, стресс ҳосил қилиш орқали шунга эришган. Хайратланарли... Афсуски, бу усул ҳам унутилган. Тарвузчиликда илгор Кўкбадла фермерлари бунни синаб кўрса, нафақат эр-



рувчи ўсимликлар яратмоқда. Теурийлар бундан 500 йил олдин худди шу гоёяни амалда қўлаган. Бу фақат гўрур бағишлайди ва илдамроқ бўлишга етаклайди.

Дарахтларни "қўрқитиб" мева олишни эшитганмисиз?

Бу усулни кўпчилигимиз эшитганмиз, лекин ҳазилга йўйиб қўяверганмиз, аслида эса... Агар дарахт мева қилмаса, теурийлар уни болта билан кўрқитган. Ҳа, тўғри ўқидингиз. Бир киши болта олиб, газабланган ҳолда дарахтга югуриб келиб: "Сени кесиб ташлайман", деб бақирган. Бошқаси эса дарахтни ҳимоя қилиб: "Бу йил тегма, келаси йили мева қилади", деган. Натijaда келаси йили дарахт мўл ҳосил берган.

Ҳозирги замон деҳқончилиги бунга нима дейди? Илм-фан бунни шок терапияси деб атайти. Ҳар қандай тирик мавжудот ўлим хавфини сезса, зурриёт қолдиришга интилади. Дарахт учун зурриёт — унинг меваси. Шундай қилиб, енгил кўрқитиш дарахтни ҳосил беришга мажбур қилади. Бугун биз кимёвий воситалар билан ҳосилни кўпайтиришга ўрганганмиз. Лекин боболаримизнинг бу ҳазил-мутойибага йўйган, оддий усули — экологик тоза ва бепул.

Ҳосилни тезлатишнинг антиқа йўли

Бугун кўчатни бир жойга экиб, умрбод шунда қолдирамиз. Теурийлар эса бошқача йўл тутган. Масалан, ёнғоқ ниҳолини қовлаб олиб, бошқа ерга ўтказган. Бир йилдан кейин яна бошқа жойга кўчиришган. Бунинг учун марта такрорланган. Натijaда дарахт тезроқ ҳосилга кирган.

Сабаби нима? Доимий кўчириш марказий илдини чеклаб, кўплаб ел илдинларини ривожлантирган. Бу эса дарахт ўзидан тез йиғишига ва эрта ҳосилга киришига сабаб бўлган. Замонавий агрономия бунинг стрессли кўчириш дейди, лекин амалда кам қўллайди.

Зараркундалардан қутулишнинг оддий тадбири

Кимёвий пестицидлар бўлмаган даврда боболаримиз қўл остидagi нарсалар билан ҳашаротларга қарши курашган. Мана улардан айримлари.

Анзур пиёзи (ёввойи пиёз) олма дарахтининг томири остига экилса, кўрт тушишидан сақлаган. Кабутар гўнги сувда ивителиб, шохларга суркалса, мева кўпайган.

Ҳозирги замон деҳқончилиги бунга нима дейди? Илм-фан бу усулларнинг кўпини тасдиқлабди. Замонавий фанда бу экологик муҳандислик дейилади. Масалан, анзур пиёзи таркибидagi алкалоидлар, аммиакли аралашмалар кучли инсектициддир. Ҳозир экологик деҳқончиликда шунга ўхшаш табиий воситаларга қайтиш кузатишмоқда. Аммо фермерларимиз бу усулларни унутган.

Унутилган тежамкорлик

Сув танқислиги бугунги куннинг энг катта муаммоларидан бири. Теурийлар эса сувини тежашни билган. Улар полиз экинлари учун мўлжалланган ерни қишда сугориб, кейин устини хашак билан ёлган. Шунда ер ёзда кам сув талаб қилган. Бу усул ҳозирги мўлчалаш (ерни хашак, сомон билан қоплаш) технологиясининг айланиши. Европада бу усул XX аср охирида қайта "кашф" этилган. Бизда эса ҳануз кўп фермерлар ерни очик қолдириб, сувини исроф қилади.

Ер остига сомон тўшаб, бугдойни шунда сақлашган, устини лой билан сувашган. Бундай омборда галла 50 йилгача бузилган бўлмади. Бу замонавий модификацияланган атмосферали омбор технологиясининг қадимий кўринишидир.

Ҳозир бундай билмлар бир оз замонавий кўринишда бутун дунёда фойдаланилгачи, масалан, пахтани плёнка остида экишнинг Шинжон усули анча самарали, сув тежаш имконини беради. Жорий йилда 325 минг гектар майдонга шу усул қўлланилмоқда ва бу бежиз эмас!

Устоз-шогирд анъанаси — аждодлардан мерос

Асрлар давомида, хусусан, теурийлар даврида ҳам агротехник билимлар асосан амалиёт орқали, яъни устоз-шогирд анъанаси, оилавий тарбия ва кундалик меҳнат жараёнида авлоддан авлодга ўтган. Кекса ва тажрибали деҳқонлар билим ҳамда кўникмаларини ёшларга ўргатиб, ерга ишлов бериш, экин турларини танлаш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш усуллари амалда намойиш этган. Бу анъана туфайли ҳар бир авлод отасидан кўра кўпроқ билимга эга бўлиб, деҳқончилик доимий ривожланган.

Бугун қишлоқ хўжалигида устоз-шогирд тизими қайта тикланмоқда. Жумладан, 2026 йилдан бошлаб пахтачиликда 1000 дан ортиқ илгор фермер кам ҳосил олаётган 5 мингга яқин фермерга бевосита устозлик қилиш тизими жорий қилинди. Мақсад — билим ва тажрибани соҳадаги қолоқликни бартараф этишнинг энг самарали воситасига айлантириш.

Бу борада энг ёрқин мисол: Мирзачўл туманида ташкил этилган "Азамат мактабидир". Пахтакор Азамат Султонов илгор усуллари билан чўл шариғида гектардан 70 центнер пахта олишга эришмоқда. Унинг мактабида энди нафақат Мирзачўл, балки бошқа туманлардан келган фермерлар ҳам тажриба орттирмоқда. Бу — аждодларимизнинг "устоз-шогирд" анъанасининг замонавий кўриниши. Агар теурийлар даврида бу усул орқали агротехник билимлар асрлар давомида такомиллашган бўлса, бугун ҳам шу йўл билан қисқа муддатда катта натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса ўрнида

Афсус, китобда айтилган жуда кўп усул ва кўрсатмаларни бу ерда келтиришга имконимиз йўқ. Китобни ўқиб, ундаги билимлардан баҳраманд бўлишни ҳар бир юртоқимизга тавсия қиламиз. Сабаби "Амир Темур ва теурийлар даврида қишлоқ хўжалиги" монографияси нафақат тарихий ҳужжат, балки боболаримизнинг табиат билан уйғунликда яшаш, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш борасидаги бой тажрибаси тўпаланган маънавий меросимиздир.

Ҳозирги замон деҳқончилиги кимёвий ўғитлар ва пестицидларга тобора қарам бўлиб бормоқда. Бу эса тупроқни шўрлантириб, сувини камайтиради, маҳсулот сифатига зарар келтиради. Теурийлар давридаги усулларнинг аксарияти экологик тоза, арзон ва ҳар бир фермер учун тушунарли.

Қишлоқ хўжалиги тизими ислохотлари асоси сифатида соҳага олиб кирилган STEM+ НЕСИ (STEM — Илм-фан, Технология, Муҳандислик, Математика) (НЕСИ — Инсонийлик, Ахлоқ, Ижодкорлик, Тасаввур) дастури айнан шу бой меросни тиклаш, уни замонавий билмлар билан уйғунлаштириш ва ёш авлодга етказишга қаратилган билан аҳамиятли. Эҳтимол, айнан шу "унутилган" усуллар келажакда экологик тоза ва барқарор деҳқончиликнинг асосига айланади!



Мунисхон ҲАКИМОВ, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи бўлими мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Амир Темур яратган Иккинчи Ренессанс тажрибаси — кучли давлат бошқаруви, адолатли жамият ва илм-фан ҳомийлиги — бугунги Учинчи Ренессанс учун асосий андоздир. Тарихий хотирани тиклаш бевосита келажакни лойиҳалаштириш демакдир. У миллиятимизни ёл тасвирлардан асровчи маънавий қалқон вазиғасини ўтайди. Тошкент анжумани яққол исботладики, янги Ўзбекистон ўз келажакни қуришда аждодларнинг бунёдкорлик энергияси ва давлатчилик фал-

Халқаро конференция

МОЗИЙНИ ЎРГАНИШ — ИСТИҚБОЛНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ САНЪАТИДИР

сафасидан стратегик ресурс сифатида оқилона фойдаланмоқда. Жаҳон тарихида ҳар қандай миллатнинг юксалиш жараёни Ўзидан олдинги маданий пойдеворга асосланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда пойдевори яратилаётган Учинчи Ренессанс ҳам бевосита Мовароуннаҳр ва Хурросонда ўз берган Биринчи ҳамда Иккинчи Ренессанс даврларининг мантйқий давомидир. Биринчи Ренессанс мутафаккирлари, хусусан, Форобий томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган "фозил жамият" ва "одил ҳукмдор" гоёларини Амир Темур ва теурийлар амалиётга жорий этиб, Иккинчи Ренессансга асос солди. Теурийлар давридаги бу юксалиш ва туркий-форсий маданиятлар уйғунлиги хоржий олимлар томонидан ҳам чуқур тадқиқ этилган. Хусусан, канадалик навоийшунос олима Мария Сабтелни ўзининг машҳур тадқиқотида бу даврни маданиятлашув ва сиёсий барқарорлигининг ноёб намунаси сифатида баҳолайди. Унинг

асарида теурийларнинг маданий ҳомийлиги ва адабий муҳитнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани очиб берилган. Теурийлар давридаги сиёсий-маданий барқарорлик бадий тафаккурнинг мислсиз парвозига йўл очди ва бу Ренессанснинг чуққиси Алишер Навоий даҳоси билан яқунланди. Навоий ўз асарларида инсоннинг руҳий камолоти ва камил инсон концепциясини илгари сурди. Моддий тараққиёт юксак руҳий-ахлоқий меzonлар билан уйғунлашгандагина ҳақиқий Ренессанс ўз беришини Навоий мероси яққол исботлаб берди. Учинчи Ренессанс шунчаки иқтисодий ёки технологик сакраш эмас, балки миллий ўзликини англаш ва маънавий юксалиш жараёнидир. Теурийлар даври маънавий меросини эътиборга олиб, давр Ренессансини тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, келажакнинг буюк биноси фақат мустақкам тарихий илдинлар устидагина қад ростлай олади. Конференциянинг энг эсда қоларли ва амалий натижаларга бой воқеаларидан

бири "Туркий дунё адабиёти" туркумидаги 100 жилдли янги китоблар тўплами тақдироти бўлди. Бу бебаҳо хазина қадимги Ўрхун-Энасой битикларидан бошланиб, теурийлар даври дурдоналари орқали замонавий адабиёт билан туташади ва иккинчи йиллик тарихий тўлиқ қамраб олади. TURKSOY бош котиби Султон Раев таъкидлаганидек, мазкур лойиҳанинг "Дунёдаги энг яхши адабий лойиҳа" сифатида эътироф этилиши янги Ўзбекистоннинг туркий дунёни маънавий бирлаштиришдаги маданий етакчилигининг ёрқин исботидир. Тадбир иштирокчилари адабий алоқалар дипломатиянинг таъсирчан ва барқарор шакли эканини эътироф этиди. Асарларнинг турли тилларда, хусусан, ўзбек адилбларининг асарлари қозоқ ёки қирғиз тилларида нашр этилиши халқлар ўртасидаги ҳўрмат ва ишончини мустақкамлайди. Глобал мафқуравий курашлар даврида ёшларни ёт таъсирлардан асровчи кучли "маънавий



Жаҳон тарихида ҳар қандай миллатнинг юксалиш жараёни ўзидан олдинги маданий пойдеворга асосланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда пойдевори яратилаётган Учинчи Ренессанс ҳам бевосита Мовароуннаҳр ва Хурросонда ўз берган Биринчи ҳамда Иккинчи Ренессанс даврларининг мантйқий давомидир.

қалқон" вазиғасини айнан ана шундай салмоқли адабий мерос ўтайди. Глобал геосиёсий низолар авж олган бугунги даврда Амир Темур меросига қайтиш инсоният учун тинчлик ва барқарорликнинг "маънавий манифести" вазиғасини ўташи конференцияда алоҳида эътироф этилди. Соҳибқироннинг "Куч — адолатда" гоёси бугунги кунда халқаро вафасизликнинг универсал формуласи сифатида намойиш бўлмоқда ва бу тинчликсевар ташқи сиёсатнинг тарихий илдинлари нақадар мустақкам эканини кўрсатади.

Конференциянинг амалий натижаси сифатида қабул қилинган ва 2030 йилгача мўлжалланган "Йўл харитаси"да "Теурийлар тузуқлари"ни рақамлаштириш, хоржий архивлардаги қўлёзмаларни юртимизга қайтариш каби вазиғалар белгиланди. Бу янги Ўзбекистоннинг интеллектуал суверенитетини мустақкамлашга хизмат қилади. Тарихни ўрганиш фақат ўтмиш билан фахрланиш эмас, балки узоқни кўзлаб порлоқ истиқболни лойиҳалаштириш санъатидир. Ушбу тадбирлар биз нафақат буюк аждодларнинг авлоди, балки улар келажакда буюк тамаддунинг давомчилари эканимизни англади ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлида улкан масъулият юклайди. Ўз тарихини, тилини ва миллий қадриятларини Соҳибқирон каби азиз тутган халқ қудратли давлат барпо этишдек буюк орзусига албатта эришади. Тошкент анжумани Соҳибқирон шахсини жаҳон тамаддунининг ажралмас бўлаги сифатида қайта кашф этиб, миллатни ягона мақсад йўлида мустақкам бирлаштирган тарихий воқелик бўлиб қолади.

Бошланиши 1-бетда

Аслида, ушбу тизимнинг амалиётга киритилиши ҳақида аввалдан хабардор эдик. Утган йилнинг 1 июнь санасидан жарима баллари ёзилиши бошлангач, кейинчалик камералар ҳам балларни қайд этиши ҳақида хабар берилганди. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан киритилган янги тизим йўллардаги қўпол қондабузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун зарурат экани айтилган. Бу ҳайдовчиларнинг интизомини кучайтириш, йўлларда хавфсизликни таъминлаш, қондабузарлик ортидан содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати маданиятини оширишга қаратилган муҳим чора экани таъкидланмоқда.

Маълумотларга кўра, 2024 йилда Ўзбекистонда 9364 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Буларнинг қатта фоизи ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиққан. Кимнингдир қоидаларга бепасандлиги бошқа бировнинг ҳаётига хавф солиши ачинарли, албатта. Баллар тизими эса ҳар бир ҳайдовчининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириши керак. Таҳлилларга кўра, юртимизда жарима балларини ҳисоблаш бошланганидан сўнг 2025 йилнинг ўзида ҳайдовчининг айби билан содир этилган автохалокатлар 34 фоиз камайган.

Телефондан фойдаланганлик учун баллар ҳисобланмайди, аммо...

Шундай қилиб, 1 апрелдан мамлакатимиз кўчаларидаги камералар тегишли қондабузарликлар учун жарима баллари ҳисоблашни бошлади. Ҳайдовчиларнинг аксари бундан норози бўлишни ҳам унутиб, дарҳол хушёр тортиб қолди, имкон қадар қоида бузмаслик ва жарима балларини олмасликка ҳаракат қилаётгани, бу ҳақида бир-бирини огоҳлантираётгани гувоҳ бўляпмиз. Гап шундаки, жарима баллари шунчаки ҳайдовчига берилган баҳо эмас. Улар учун жарима ундирилмас-да, ҳар бир тўпланган балл жиддий оқибатларга олиб келади. Ҳайдовчилар баллар сабаб ҳатто ҳайдовчилик ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этилиши ҳам мумкин.

Аммо бунинг учун йил давомида 12 балл тўпланиши керак. Албатта, бу ижобий ҳаракатлар учун бериладиган баллар эмас, балки ҳар бир йўл ҳаракати қондабузарлиги сабаб ҳайдовчи ҳисобига ёзиб борилган рақамлардир. Балларни қўллаш ва ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан белгиланган. Жарима

баллари ҳайдовчилар қондабузарликларни биринчи марта содир этган кундан бошлаб кейинги йил шу кунга қадар амал қилади ва “E-jarimaball” тизими орқали инсон омилсиз автоматлаштирилган тартибда қайд этиб борилади. Ҳайдовчилар ўз балларини шу тизим орқали ёки расмий мобил илова ёрдамида мустақил кузатиб бориши мумкин. Маълумотда тўпланган жарима баллари билан бирга қабул қилинган қарор рақами ва санаси кабилар ҳам кўринади.

хавфсизлиги департаменти ЙХХХ ахборот хизмати бошлиги Зойир Йўлдошев. — Ҳукуматнинг тегишли қарори билан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 12 та моддасига кўра қўпол турдаги қондабузарликлар учун жарима баллари белгиланган. Айтилик, светофорнинг қизил чирогойда ҳаракатланиш, рухсат этилмаган жойда тўхтаб туриш, тезликни белгиланган меъёрдан ошириш кабилар бевосита инсон омил билан боғлиқ ва афсуски, бундай

“ Баллар қондабузарлик даражасига қараб 0,2 баллдан 2 баллгача тартибда ҳисобланади. Масалан, тезликни ошириш 0,5 баллдан 2 баллгача (ошиш даражасига қараб), қизил чирокда ўтиш 1 балл, йўл транспорт ҳодисаси жойини тарк этиш 2 балл ёзилишига сабаб бўлади ва ҳоказо. Ана шу рақамлар тўпланиб бир йил ичида 12 баллга етганида эса ҳайдовчига “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс моддалари асосида тегишли тартибда жазо чоралари қўлланилиб, 6 ойдан 3 йил муддатгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилади.

Баллар қондабузарлик даражасига қараб 0,2 баллдан 2 баллгача тартибда ҳисобланади. Масалан, тезликни ошириш 0,5 баллдан 2 баллгача (ошиш даражасига қараб), қизил чирокда ўтиш 1 балл, йўл-транспорт ҳодисаси жойини тарк этиш 2 балл ёзилишига сабаб бўлади ва ҳоказо. Ана шу рақамлар тўпланиб бир йил ичида 12 баллга етганида эса ҳайдовчига “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс моддалари асосида тегишли тартибда жазо чоралари қўлланилиб, 6 ойдан 3 йил муддатгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилади.

Одамларни ташвишга солаётган масала ҳам шунда. Бир йил учун 12 балл жуда оздек, кутилмаганда содир этилган илган йўл ҳаракати қондабузарлиги сабаб балларни тўплаб олишига сабаб бўлиши мумкинлигидан кўпчилик хавотирда. Ҳатто ижтимоий тармоқлар орқали “энди кузатув камералари пиёдага йўл бермаслик, хавфсизлик камарини тақмаслик, телефондан фойдаланиш каби қондабузарликлар учун ҳам жарима бали ёзади” мазмунидagi маълумотлар тарқалиб, тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

— Жарима баллари бўйича ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим маълумотлар нотўғри бўлиб, ҳақиқатга тўғри келмайди, — дейди Ўзбекистон ИИВ Жамоат

қондабузарликларни мунтазам содир этиб келаётганлар бор. Аммо ижтимоий тармоқларда келтирилатганидек, пиёдага йўл бермаслик, хавфсизлик камарини тақмаслик, телефондан фойдаланиш каби қондабузарликлар учун жарима баллари мавжуд эмас. Бироқ бу ушбу турдаги қондабузарликлар енгил экани ва уларни илганган амалга ошириш мумкинлигини аниқламайди.

Автомобиль ичида мулк эгаси эмас, бошқа одам бўлса-чи?

Камералар белгиланган қондабузарликлар учун жарима балларини ёзиши тушунарли. Аммо қондабузарлик қайд этилган автомобиль ичида мулк эгаси эмас, балки бошқа одам бўлса-чи? Табиийки, камера ҳайдовчи шахсини аниқлаб, телефондан фойдаланиш каби қондабузарликлар учун ҳам жарима бали ёзади” мазмунидagi маълумотлар тарқалиб, тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда.


— Қоидабазарлик учун жавобгарликни бошқа шахсга ўтказиш хизмати ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ёки Жамоат хавфсизлиги департаменти



эгаси бошқа, рўлда эса бошқа одам бўлган ҳолатда жарима бали ҳақиқий ҳуқуқбузарга ёзилиши қай тартибда амалга оширилиши, умуман, бу вазият тизимда назарда тутилгани ёки йўқ кўпчилиги қизиқтирмақда. Мутасаддилар бундай ҳолатда масъулиятни автомобилни бошқарган фуқарога топшириш тартиби ишлаб чиқилгани ва талабгорлар тегишли қоида асосида уни амалга ошириши мумкинлиги бўйича ижтимоий тармоқлар орқали тушунтиришлар бермоқда.

Келтирилишича, янги тартибга асосан, жарима балларини тақсимлаб механизми ҳам жорий этилмоқда. Унга кўра, агар транспорт воситасини унинг мулкдори эмас, бошқа шахс ишончнома, суғурта полиси ёки йўл варақаси асосида бошқарган бўлса, жарима баллари айнан қондабузарликни содир этган ҳайдовчига юклиниши мумкин.

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан жарима балларини транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчига нисбатан қўллаш учун автомашина эгаси томонидан электрон ариза топшириш тартиби белгиланган, — дейди Зойир Йўлдошев.



— Қоидабазарлик учун жавобгарликни бошқа шахсга ўтказиш хизмати ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ёки Жамоат хавфсизлиги департаменти

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг мобил иловаси орқали ариза юбориш тартибда амалга оширилади. Келинг, буни my.gov.uz мисолида тушунтирамиз. Дастлаб транспорт воситаси эгаси, яъни мулкдори томонидан шахсий кабинет орқали ариза кириштирилиб, бошқаруш ҳуқуқини олган шахс ўз мажбуриятларини электрон рақамли имзо ёки “Face ID” орқали тасдиқлаши керак. Ушбу хизмат учун БХМнинг 10 фоизи, ариза my.gov.uz орқали топширилганда эса 9 фоизи миқдорда йиғим ундирилади. Шундан сўнг киритилган ариза ЙХХХнинг маъмурий амалиёт модулига келиб тушади ва белгиланган муддатларда қўриб чиқилиб, тасдиқлангани ёки рад этилгани тўғрисидаги хабар фуқарога электрон тизим ва СМС хабарнома орқали юборилади. Жавобгарликни қабул қилиб олувчи ҳам бунинг тасдиқлаши керак. Шундан сўнг қўрилма-лар томонидан аниқланган тегишли қондабузарликларнинг жарима баллари бошқарувни қабул қилган ҳайдовчига нисбатан қўлланила бошлайди.

Мазкур хизматдан фойдаланишда ижтимоий реестрдагилар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бор шахслар учун тўловларда

50 фоиз чегирма мавжуд. Давлат органлари ва йўловчи ташувчилар учун эса ўз ходимларига жавобгарликни расмийлаштириш текин.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун қайтадан имтиҳон топширилади

Қоидабазарликлар учун жавобгарликни ким зиммасига олишини автомобиль эгасининг ўзи ҳал қилади. Аммо жавобгар ким бўлишидан қатъи назар, қондабузарликлар учун жарима баллари ҳисобланганда давом этади. Агар бир йил ичида баллар сони 8 тадан ошса, ҳайдовчига СМС орқали огоҳлантирув юборилади. 12 балл тўпланганда маълумот маъмурий чора кўриш масаласини кўриб чиқиш учун судга юборилади. Ҳайдовчи судда баён-номага қарши шикоят билдириши мумкин, асосли бўлса, қарор ва баллар бекор қилинади. Аксинча ҳолатда эса ҳайдовчи 6 ойдан 3 йил муддатгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинади.

Одамларни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган фуқаро қай тартибда яна гувоҳномани қайтариб олиши, унинг шартлари қандай бўлиши ҳақидаги саволлар ҳам қизиқтирмақда. Мутасаддиларнинг айтишича, фуқаро гувоҳномани қайтариб олиш учун қайтадан имтиҳон топширишига тўғри келади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги тегишли қарорида автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, маъмурий жазо муддати ниҳоясига етгач, мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши, назарий ҳамда амалий имтиҳонларни қайта топшириши шарт экани қўрилган, — дейди Зойир Йўлдошев.

— Демак, фуқаронинг ҳайдовчилик ҳуқуқи назарий ва амалий имтиҳонлардан ўтиши асосида қайтариб олинади. Яна бир томони, амалдаги тартибга кўра, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс ушбу ҳуқуқни қайтариб олиш учун назарий имтиҳонларда 20 тадан 18 та эмас, балки 50 та саволдан 46 тасига тўғри жавоб бериши талаб этилади. Шу боис, ҳайдовчилар, аввало, ўзи ва бошқалар хавфсизлиги, қолаверса, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолмаслиги учун ҳам йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Яъни энди ҳайдовчилар баллар тизимига мослашибгина қолмай, йўлларда ҳаракатланаётганда интизом ва хушреликни ошириши керак. Чунки тизим амалиётга жорий этилди ва камералар жарима балларини қайд этишни бошлади. Эҳтиётсизлик сабаб 12 балл тўпланиб қолса, жарима пули билан кутулиб бўлмайди, камида олти ой ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум бўлишга тўғри келади.

Тартибли ҳайдовчилик учун эса имтиҳон ва рағбатлар мавжуд. Масалан, агар ҳайдовчи йил ичида умуман қондабузарлик содир этмаса ва балл йиғмаса, рағбатлантириш тартибидан навабдаги йилда ёзилган биринчи жарима бали ҳисобланмайди. Борди-ю, йил давомида биринчи балли йиғиб, ундан кейин такроран умуман қондабузарлик содир этмаган тақдирда ҳам навабдаги йилда олган биринчи бали чегириб ташланади. Шунингдек, ҳайдовчи охириги ҳуқуқбузарлиги учун жарима ҳисобланган вақтдан бошлаб 6 ой давомида умуман қондабузарлик содир этмаса, умумий тўпланган балларидан 2 балл чегирилади.

Бир йил ичида жарима баллари 12 баллга етмаса, ҳайдовчига қонуний жазо чораси қўлланилмайди ва бунгача тўпланган баллари келаси йил даври учун ҳисобланганига йўл қўйилмайди. Навабдаги йилдан жарима балларини ҳисоблаш янгидан бошланади. Булар ҳам ҳайдовчига қўшимча енгилликлар берилиб, баллар тизими жазо чораси эмас, балки йўллардаги хавфсизликни таъминлашга қаратилганини кўрсатади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Фаровонлик харитаси

Иссиқ иқлими ва унумдор tuppoғи сабаб Сурхондарёда картошкадан бир йилда бир неча марта ҳосил олиш мумкин. Жумладан, Жаркўрғон тумани Гулистон маҳалласидаги деҳқонлар картошка ҳосилини шу йил февраль ойи бошида йиғиштириб ола бошлаган эди.



Мазкур маҳаллада 777 хонадон бор. Уларнинг қарийб 90 фоизи картошкачилик билан шуғулланади. Умумий 100 гектар томорқада картошка етиштирилмоқда. Муҳими, маҳалла томорқачилари йилга тўрт мартагача ҳосил олишни уздада келмоқда. Ҳудуддаги ҳар қарич ер ҳисобда. Чунки маҳалланинг драйвери — картошкачилик. Шу боис, ундан бўшаган ерга яна картошка экилади. Ер унумдорлигини сақлаш учун эса алмашлаб экиш тизими асосида саримсоқ ва ерғоғқ кабилар ҳам экилмоқда. Умуман олганда, Гулистон маҳалласи деҳқонларининг қисқа муддатда бир неча бор ҳосил олишидаги тажрибаси бошқа ҳудудлар учун намунавий модель сифатида хизмат қилмоқда.

Сўнгги йиллардаги янгиланишлар сабаб мазкур соҳаиятдан унумли фойдаланиш имконияти вужудга келди. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 8 сентябрдаги “Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

— Аввал гектар-гектар ерга уруғ қадаб, ҳаминқадар ҳосил олардик. Даромади-ку, майли, харажатини қоплаш муаммо эди.

ВОҶА ФЕРМЕРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

ЗАМИН МЕҲРДАН, ИНСОН БИЛИМДАН КУЧ ОЛМОҚДА

Чунки олимлар фикри билан ҳисоблашилмасди. Кейинги йиллардаги яхши тенденция сабаб барча соҳага илм билан ёндашила бошлади. Шу боис, қишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли натижаларга эришишимиз, — дейди Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети доценти Саидмурод Эшимов. — Университетимиз ташкил этилишидан кўзланган мақсад малакали кадрларни етиштириб беришдир.



Илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва амалиётчи деҳқонлар ўртасидаги ҳамкорлик юқори ҳосилдор ва касалликларга чидамли навларни яратишда муҳим. Қолаверса, агротехнологияларни

такомиллаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ҳамкорлик доирасида tuppoғ унумдорлигини ошириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, замонавий ўғитлаш ва ҳимоя усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Илмий ҳамкорлик натижасида ҳудуднинг иқлим шартитига мослашган, тезпирақ ва юқори сифатли картошка навларини етиштириш имконияти кенгаймоқда.

Сурхондарёлик миришкорлар йил давомида ердан оқилона фойдаланиб, катта хирмон кўтаришининг ҳадисини олган. Улар эрткаги ва кечки картошка парваришида ҳам ўзига хос тажриба тўплаган. Утган йили вилоятдаги 9000 гектар ерга картошка экилиб, 189 минг тонна ҳосил олинди. Ўртача ҳосилдорлик 210 центнерни ташкил этгани фикримиз далилидир.

Жумладан, утган мавсумда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари 7000 гектар майдондан 185 минг 543 тонна, деҳқон хўжаликлари эса 2000 гектар ердан юқори ҳосил йиғиштириб олди. Жорий йилда ҳам вилоят миришкорлари мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириб меҳнат қилмоқда.

— Сурхондарёдаги фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари 15 минг гектар ерга картошка эккан. Шунингдек, деҳқон хўжаликлари 9300 гектар майдонга ҳудуд иқлим шартитига мос навли сара уруғ қадаган, — дейди Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал Мардонов.

Вилоятдаги деҳқон хўжаликлари ҳамда картошкачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари агрономлари иштирокида амалий семинарлар ташкил этиш аънаънага айланган. Унда соҳанинг тажрибали мутахассислари, илмий ходимлар ва етакчи фермерлар картошкачиликнинг замонавий усуллари, ҳосилдор нав танлаш, уруғлик тайёрлаш каби масалалар бўйича маълумот алмашади. Муҳими, агрономларга tuppoғ унумдорлигини ошириш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича амалий таъсиллар берилади.

Усимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё минтақавий филиали илмий ходими Мансур Хўжаев. — Айниқса, картошка ҳосилига катта зарар етказадиган колорадо кўнғизи, симқўрт каби зараркундаларга қарши интеграциялашган ҳимоя усуллари жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда.

Бугун сурхондарёлик деҳқонлар имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Улар йил давомида тиним билмай, ҳатто қишда ҳам қулай фурсат бўлиши ҳамон ерга уруғ қадаб, ҳосил олишга уринмоқда. Бунинг самарасини эса картошкачиликка эришилаётган ютуқлар мисолида кўриш мумкин.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Муносабат

Соғлом турмуш тарзи соғлом келажақ гаровидир. Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар ушбу ҳаётий кўрсаткичларни янада яхшилаш учун катта имконият яратди.



Баҳодир МАЪМУРОВ, Бухоро давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Бинобарин, унда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ижтимоий фаоллигини оширишда спортнинг ўрни алоҳида экани қайд этилди. Ютуқларни мустаҳкамлаб, тизимдаги камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратилди.

СПОРТ – ЁШЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ

Бугунги глобallasуv шароитида ҳар бир давлатнинг рақобатбардошлиғи, аввало, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллиғи билан белгиланади. Шу боис, жисмоний тарбия ва спорт масаласи давлат сисъати даражасига кўтарилиб, изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ингилишида олий таълим муассасаларининг спорт йўналишидаги фаолиятини янада кучайтириш зарурати мавжудлиғи қайд этилди. Айрим

Бугун Бухоро давлат педагогика институтида фаолият юритаётган “Талаба ёшлар спорт клуби”да йигит-қизлар спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, гандбол, дзюдо, шахмат, шашка, бадминтон, чим устида хоккей, кураш каби турлари билан шуғулланмоқда. Ўтган даврда институт талабалари жами 175 та медалга сазовор бўлган. Шундан 11 таси халқаро мусобақаларда, 16 таси Осиё чемпионатларида, 148 таси республика миқёсидаги беллашувларда қўлга киритилган.



ОТМларда спорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмагани, спорт иншоотларидан фойдаланиш даражаси пастлиғи, талабаларни спортга жалб этиш тизими кўп ҳолларда формалликка айланган қолгани танқид қилинди.

Мусобақалар мунтазам эмаслиғи ёки кенг қамровли ташкил этилмаётгани ҳам айтилди. Шунингдек, спорт федерацияларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишламаслиғи иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва профессионал спортга йўналтириш имконияти пасайишига сабаб бўлмоқда. Иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлаш масаласида ҳам камчиликлар мавжуд. Хусусан, юқори натижаларга эришни салоҳиятига эга ёшлар учун индивидуал мураббийлар бириктириш тизими етарлича ривожланмаган. Бу эса уларнинг профессионал даражада ўсишига тўсқинлик қилувчи омиллардан. Ҳолбуки, замонавий спорт тизимида ҳар бир спортчи

билан индивидуал ёндашув асосида ишлаш энг муҳим талабдир. Ушбу камчиликларнинг очиқ муҳокама қилинаётгани ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланаётгани ижобий ҳол, албатта. Бу эса тизимни янада такомиллаштириш, муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилиш имконини беради. Давлат сисъатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётган ва аниқ стратегик ёндашув шаклланаётган спорт соҳасида олий таълим муассасаларининг мавқени кучайтириш, ушбу жараёнда нафақат таълим маскани, балки ёшлар саламатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва иқтидорли спортчиларни етиштириш марказига айланиши долзарб вазифадир.

Президентимизнинг таклифига кўра, “маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — олийгоҳ” узвий тизими асосида ёшларни спортга жалб этиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва профессионал даражада тайёрлаш бўйича янги механизмлар жорий этилади. Спорт тўғрисидаги фаолиятни кенгайтирилиб, уларга тажрибали мураббийлар бириктирилади, спорт йўналишидаги талабалар эса дуал таълим асосида амалий мураббийлик фаолиятига жалб этилади. Шунингдек, “саламатлик баланси”, “соғлом ҳаёт волонтерлари”,

кросс-фит каби замонавий йўналишларни жорий этиш ташаббуси ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда муҳим. Спорт соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш, уларни амалиёт билан интеграция қилиш, спорт тиббиёти, физиология, реабилитация ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳам устувор йўналишлардан. Сунъий интеллект асосида спортчилар фаолиятини таҳлил қилиш, машғулот жараёнини оптималлаштириш каби замонавий ёндашувларни жорий этиш орқали илмий салоҳиятни оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Спорт соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалар соғлом, фаол ва рақобатбардош жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бунда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган спорт тўғрисидаги ўрни муҳим.

Бугун Бухоро давлат педагогика институтида фаолият юритаётган “Талаба ёшлар спорт клуби”да йигит-қизлар спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, гандбол, дзюдо, шахмат, шашка, бадминтон, чим устида хоккей, кураш каби турлари билан шуғулланмоқда. Ўтган даврда институт талабалари жами 175 та медалга сазовор бўлган. Шундан 11 таси халқаро мусобақаларда, 16 таси Осиё чемпионатларида, 148 таси республика миқёсидаги беллашувларда қўлга киритилган.

Яқинда “Вазир кубоғи” мусобақаси доирасида қизлар ўртасида илк бор ташкил этилган чим устида хоккей беллашувида талаба қизларимиз 3-ўринни эгаллагани мазкур спорт тури бўйича фаолиятимизнинг илк натижасидир. Талабаларимизнинг бу каби ютуқлари барчамизни қувонтиради. Шундай бўлса-да, ёшларнинг спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланишига шароит яратиш йўлида доимий ҳаракатдамыз. Давлатимиз раҳбари бошличилигидаги мазкур ислохотлар эса ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тартиб қилиш ва юқори натижаларга эришадиган спортчиларни тайёрлашда алоҳида фаоллик талаб қилади. Институтимиз мазкур ислохотлар бўйича самарали ишлаб, салмоқли натижаларни кўрсатади.



Рақамли олам юлдузлари

Хотин-қизларнинг ахборот технологиялари йўналишидаги интилиши

Ахборот технологиялари соҳасида лойиҳа менежерлигидан фрилансерлик йўналишигача юқори натижаларни қайд этаётган аёл-қизлар ҳақида ҳеч иккиланмай, “Улар технологиялар келажагини яратяпти”, дейиш мумкин.

Бу шунчаки сўз эмас, аниқ натижалар билан тасдиқланган ҳақиқат. 2025 йилда “Бир миллион дастурчи”, “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”, “АТ шарҳча”, “Муҳаммад Хоразмий ворислари” лойиҳалари, “Фаровонлик сари” дастури орқали бепул таълим олган ҳамда хусусий таълим марказларида ахборот технологиялари йўналишида ўқиган 560 минг ёшнинг 281 минг нафари, яъни 50,5 фоизини қизлар ташкил этди. Сўнгги

уч йилда эса ахборот технологиялари йўналишида таълим олган қизлар улуши 2 қарра ошди.

Қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган ICT4 Girls олимпиадаси ва ёзги оромгоҳлар юзлаб ёшларни қамраб олмоқда. Шунингдек, биргина жорий йилнинг ўтган даврида “GAP” аёллар АТ клуби доирасида 6 июльда 1150 қиз соҳани ўрганган бўлса, яқинда 14 иқтидорли қиз “Yulduz Tech Awards” мукофоти би-

лан тақдирланди. Coursera платформасида Ўзбекистон сунъий интеллект курсларида аёллар фаоллиғи бўйича Global Leader деб тан олинди.

Айниқса, қизларнинг тиббиёт, таълим, илм-фан соҳасидаги интилиши, рақамли технологияларни жорий этиш, жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш йўналишида қилаётган изланишлари эътиборга молик.

ЭНГ ЯХШИ ҚЎЛЛОВЧИМ — ОНАМ!

Нодира ИБРОҲИМОВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Сурхондарёнинг олис Хуфар қишлоғида туғилганман. Тил ўрганиш ва технологиялар соҳасига қизиқишимга онам туртки берган. Мактабда ўзбек тилида таҳсил олганимга қарамай, хорижий тилларни ҳам бирдек ўзлаштириб борганман. Ҳозир 5 тилда эркин мулоқот қиламан.

Кейинчалик Тошкент шаҳридаги Инха университетига АТ йўналишида шартнома асосида ўқишга қабул қилиндим. Мен танлаган соҳа нафақат оиламиз, балки юртимизда ҳам ҳали янгилик эди. Шунга қарамай, шароитимиз етарли бўлмаса-да, онам ўқимни учун барча имкониятни ишга солди. Тинимсиз меҳнат қилди ва бизни камолга



етказди. Назаримда, дунёдаги энг яхши инвестор — менинг онам! Барча ютуқларим замирида волидамнинг заҳмати ва меҳнати борлигини чуқур ҳис қилиб тураман ва қалбимни миннатдорлик туйғувлари эгаллайди.



КЕЛАЖАК ТИББИЁТИ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Ирода МУҲИДДИНОВА, Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси, 27-поликлиника оилавий шифокори:

— Тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган бўлсам-да, технологияларга қизиқишим бир неча йил олдин бошланган. Неврология ва инсонияси қандай ишлашини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосага келдим: келажақ тиббиётини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, сунъий интеллект ёрдамида касалликларни эрта аниқлаш имконияти мени жуда қизиқтирди. Шу қизиқиш тиббиёт ва технологияларни бириктириш ғоясини берди. MindTech лойиҳаси устида иш бошладим.

Тиббиёт соҳасида ўқиш баробарида технологиялар билан шуғулланиш бир қараганда тунунарсиз туюлиши мумкин. Аммо аслида бу икки соҳа бир-бирига жуда яқин. Замонавий тиббиётда маълумотлар таҳлили, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект жуда муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, неврология, тиббий психология ва СИ ёрдамида касалликларни эрта аниқлаш, тиббиёт ва ахборот технологияларини бириктирган илмий лойиҳалар устида ишлаш истағи мени тинч қўймади.

Неврологик касалликлар кўп ҳолларда кеч аниқланади. Бу эса даволаш самардорлиғига салбий таъсир қилади. Лойиҳа сунъий интеллект ёрдамида неврологик касалликларни эрта диагностика қилишга



қаратилган. Айниқса, паркинсон касаллигини эрта босқичда аниқлаш муаммосига ечим бўлади. Инсоннинг ривожланишида атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлови жуда катта аҳамиятга эга. Ота-онам ва устозларим янги ғоялар устида ишлашдан чўчимаслик, доим олган интилишим катта муваффақиятга олиб боришни айтиб, руҳлантириб туради. Турли илмий конференциялар ва стартап дастурларида қатнашиш орқали эса катта тажриба тўпладим. Илмий изланишларим ва лойиҳаларим билан турли халқаро конференциялар ва танловларда иштирок этиш имконияти эга бўлдим.

Яқинда “Yulduz Tech Awards” танловига ғолиб бўлдим ва муносиват тақдирландим. Ҳануз ғолиблик шукухи қалбимни тарқ этгани йўқ. Рағбат инсонни янги марралар сари ундайди. Келгусида тиббиёт ва технологияларни бириктириш инновацион лойиҳалар устида ишлашни давом эттирмоқчиман. Айниқса, сунъий интеллект ёрдамида неврологик касалликларни эрта диагностика қилиш бўйича тадқиқотларимни давом эттириш ниятим бор.

КЕЛГУСИ ИЮТУҚЛАРИМГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Севинч МАВЛОНОВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Ўтган йили “Рақамли авлод қизлари” танловига LLS (Life Learning School) стартап лойиҳамиз ғолиб деб топилди. Лойиҳа мактаб ўқувчилари учун сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган таълим платформасидир. Бу платформа ўқувчиларнинг билим даражасини таҳлил қилиб, уларга шахсийлаштирилган таълим режасини таклиф қилади ва самарали ўқиш имконини беради. Мазкур ютуқ бизга АҚШнинг Гарвард ва MIT каби нуфузли университетларида таълим олиш ва малака ошириш имкониятини тақдим этди.

Муваффақиятга эришиш учун халқаро даражадаги билим, масалан, Apple ёки Гарвард курсларининг сертификатига эга бўлиш, халқаро конференцияларда қатнашиш зарур. Бундан ташқари, фақат техник билимлар билан чекланиб қолмай, эмоционал интеллект, одамлар билан очиқ мулоқот қила олиш ва оммавий нутқ сўзлаш кўникмаларига эга бўлиш муҳим.


Халқаро TEDx ташкилоти доирасида TEDxNewU лойиҳасига асос солдим. TEDx дунё бўйлаб ташкил этиладиган мустақил конференциялар туркуми бўлиб, унда инновацион ғоялар, илмий ютуқлар ва ижтимоий муаммолар бўйича илҳомлантирувчи чиқишлар тақдим этилади. Ушбу платформа асосида ёшлар ўз ғояларини кенг аудиторияга етаклаш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистонда TEDx тадбирлари орқали биз ёшлар орасида инновацион фикрлаш, етакчилик ва глобал тафаккурни шакллантиришга ҳисса қўшмоқдамиз. Бу саяёҳаракатлар келажақдаги ютуқларим учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Хусусан, Зулфия номидаги давлат мукофоти ахборот технологиялари соҳасидаги фаолиятим, стартап лойиҳаларим, ёшлар билан қилаётган ишларим ва хотин-қизларни технология соҳасига жалб этишдаги ташаббусларим учун берилди.



Мукофот зиммамга жуда катта масъулият юклади. Энди жамият учун ҳам фойда келтиришнинг кераклигини чуқур ҳис қилдим. Ўзимни ривожлантириш баробарида Ўзбекистон ёшлари, хусусан, хотин-қизлар номи дунё ахборот технологиялари оламида янграши учун бор билим ва тажрибамни қўлламан.

Ҳозир АТ соҳасида стартап экотизими жадал ривожланмоқда. Келгуси беш йилда ўз стартап лойиҳаларини халқаро даражага олиб чиқиш, уларни кенгайтириш ва одамларга фойда келтиришни мақсад қилганман. Шунингдек, қизларни АТ соҳасига жалб қилиш бўйича ишларни янада кучайтириш, уларга илҳом бериш ва амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламан.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.



2026 йил 14 апрель, 73-сон

“Кўмак” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача фозисиз ссуда берилади.



Нуқтаи назар

ОҚ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

“Агар ёшлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни маъқул кўрса, ўз бизнесини йўлга қўйиши учун ҳам Ўзбекистонда керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Уларни моддий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит, бизнесини ташкил этиш учун жой ва бошқа имкониятлар кўпайтирилмоқда.

Бошланиши 1-бета

Ёшим саксондан ошди. Лекин умримнинг асосий қисми, ишим, фаолиятим ёшлар билан боғлиқ бўлгани учун бугун юртимизда уларга яратилаётган қўлайликлар ҳақида фикр билдиргим келди. Зеро, бугунги ўзгаришларнинг аввалгиларидан фарқи ер билан осмонча. Фарзандларимиз, невараларимиз даври ҳозир. Замон уларники. Ҳавас эса бизники. Гувоҳи бўлиб турибмизки, кейинги ўн йилда Ўзбекистоннинг ёшларга онд сиёсати тубдан ўзгарди, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида асрларга татигулик ислохотлар амалга оширилмоқда. Кўп йиллардан буён олий таълим соҳасида ёшлар билан ишлайдиган мутахассис сифатида Ўзбекистон тарихида ҳозирга қадар ўғил-қизларнинг таълим олиши, манфаатли касб ўрганиши, қисқа айтганда, ҳаётини йўлга қўйиб олиши учун бу қадар қўллаб-қувватланган бир даврни кўрмадим.

Ўзим фаолият юритадиган соҳа — таълим тизимида Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари, ташаббус билан тўла ислохотлар, янгиланишлар кечди, самарадор механизмлар ҳаётга татбиқ этилди. Ислохотлар аввалида ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми ва моддий манфаати ошди. “Ўқитувчилар минг доллар ойлик олади”, деган гапларга, очиги, кўпчилик ишонқирамади. Сабаби, ўша даврларда улар бундай ойликни ҳатто орзу ҳам қилмас эди. Аммо бугунга келиб, соҳадати янги ташаббус ва лойиҳалар натижасида ўқитувчилар бундан ҳам кўп маоша оляпти.

Бундан ташқари, 15-20 йил олдин ўқув мавсумининг тенг ярми пахта дала-сида ўтиб кетарди. Олий таълим тизими коррупциялашган, тараққийётдан ортда қолган эди. Аммо бугун таълим, илм-фан соҳасига қаратилган эътибор туфайли бу муаммолар ечимини топди. Таълим тизимига рақамли технологиялар татбиқ этилиб, соҳа тараққийига тўсқин бўлган иллатларга барҳам берилди. Натижада эса ўзбек ёшлари дунё миқёсида юқори рейтингларга эришмоқда.

Халқимизнинг таълим соҳаси, илм-маърифатга қарши бугун ўн, йигирма йил олдингидан буткул фарқ қилади. Жорий йил 24 февралда Президентимизнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Ёшлар тараққийига глобал индексда энг тез суръатларда ривожланаётган давлат деб эътироф этилганини билдирди. Ёшларнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши кейинги йиллардаги таълим

Хусусан, бу йил Ўзбекистонда ўқув марказлари фаолияти ўзининг олтин даврига қадам қўймоқда дейиш мумкин. Албатта, ўқув марказлари оммалашиб боришида уларга яратилган қўлай шарт-шароит, имтиёз ва рағбатлар йил сайин ортиб бориши замин яратди. Хусусан, ўқув маркази ташкил қилган ёш тадбиркорларга 7 йил муддатта 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит, чекка ҳудудларда чет тилларга ихтисослашган ўқув марказлари очган малакали ёшларга 120 миллион сўмгача фозисиз ссуда берилди. Шунингдек, хусусий ўқув марказларида хорижий тилларни ўрганадиган ёшларга тўловлари “2+6” ой шаклида қўллаб-қувватлаш тармоқнинг янада гурқираб яшашига замин ҳозирлади. Натижада қўллаб-қувватлаш механизми самара бериб, хорижий тил сертификати олган ёшлар сони 600 мингдан ошгани, хорижий тилларни мукамал билладиган 72 минг инструктор шаклланигани айтилди. Хусусий ўқув марказлари сони 3 қарра кўпайиб, 38 мингдан ошди.

Давлатимиз раҳбари очик мулоқотда билдирганидек, эндиликда Хусусий ўқув марказлари уюшмаси тузилиб, уюшма



аъзоси бўлган марказларга биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинадиган даромад ва фойда солигини тўлашдан озод этилади. Бундай марказлар ўқитувчиларини илгор таълим марказларига стажировкага юбориш амалиёти йўлга қўйилди. Яъни тармоқ ягона катта кучга айланиб, иш самара-



Бегдавлат АЛИЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

“Бугун Ўзбекистон ёшлари орзу-умиди, олдига қўйган мақсадларига эришиши учун барча имконият ва шарт-шароитлар мужжасам. Улардан фақатгина ўқиш-изланиш, ўз устида ишлаш талаб этилади.

етарлича эди. Аммо кейинги йилларда ёшлар, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши натижасида аҳолининг турли қатламлари орасида олий маълумотга эга фуқаролар сони кўпайди. Жумладан, аҳолининг турли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини

нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони билан оилавий шароити туфайли олий таълим муассасаларидаги ўқишини давом эттиролмаган хотин-қизларга яна ўқиш имкониятини тақдим қилиш белгиланди.

Унга қўра, ҳомиладор талаба-қизларга ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи талабаларга 2026/2027 ўқув йилидан олий таълим олиши учун “иккинчи имконият” берилди. Яъни курсдан курсга қолган ёхуд талабалар сафидан чиқарилган шахсларга, истисно тариқасида, фанлар фарқини қайта ўзлаштириш шarti билан таълимни давом эттириш имкони яратилди. Талабалар фанлар фарқини муваққат ўзлаштириши учун қўшимча мuddат берилди ва бошқа зарур шарт-шароитлар ташкил этилади.

Бу эса талабалар орасида хотин-қизлар сони янада кўпайишига замин яратди. Гапнинг индаллосини айтганда, Ўзбекистонда ёшларнинг олий маълумот олиши учун барча шарт-шароит мавжуд. Жумладан, уларнинг бир пайтнинг ўзида бир неча олийгоҳ ва таълим йўналишига имтиҳон топшириш имкони бор. Шунингдек, давлат таълим муассасаларига кира олган ёшлар ўзи қизиққан йўналиш бўйича хусусий университетларда ҳам тахсил олиши мумкин.

Илгари олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларидан ўтолмаган ёшлар учун иккита йўл бор эди. Бири — яна қайта тайёргарлик кўриш, иккинчиси — ишлаш учун хорижга кетиш. Бугун ёшлар ҳаётини тўғри йўлга қўйиб олиши учун барча имкониятлар эшиги очилган. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб яна бир янги тизим йўлга қўйилади. Бундан асосий мақсад ҳам ёшларнинг таълим олиш имкониятини янада кенгайтириш. Унга қўра, кейинги ўқув йилидан бошлаб ўқувчилари қобилиятига қараб касб ёки олий таълимга йўналтириш мақсадидан 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилинади. Бунда битирувчилар тўплаган балларига қўра ўқишни олий таълим муассасаси ёки техникумда давом эттирилади. Яъни устоз бўлмаса, уста бўлади. Ўғил-қизларимиз ё билим, ё яхши бир касб-ҳунар эгагига айланади.

Агар ёшлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни маъқул кўрса, ўз бизнесини йўлга қўйиши учун ҳам Ўзбекистонда керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Уларни моддий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит, бизнесини ташкил этиш учун жой ва бошқа имкониятлар кўпайтирилмоқда. Хусусан, ўтган йилги ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилган, натижада “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлаган. Бу ишларнинг давоми сифатида 2026 йилда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилган.

Бугун Ўзбекистон ёшлари орзу-умиди, олдига қўйган мақсадларига эришиши учун барча имконият ва шарт-шароитлар мужжасам. Улардан фақатгина ўқиш-изланиш, ўз устида ишлаш талаб этилади. Шижоатли, ақл-заковати баянланган Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиши олтин авлоднинг кўрганидек уларга ҳавасим келади. Беихтиёр Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамиди Ғуломнинг “Оқ, сенин ёшлигинг менда бўлсайди...”, деган жумлаларини такрорлайман.



ЮКСАК марралар тантанаси

ҲАРАКАТЛАРИМИЗДА АКС ЭТАДИ

Ватанин англамоқ, унинг муқаддас ва буюклигини ҳис этмоқ, асраб-авайламоқ, озод ва обод ҳолда келажак авлодларга мерос қолдирмоқ ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.



Пардахол НОРҚОБИЛОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси асосида бунёд этилган, истиқлол йўлида жонини фидо қилган аждодларимиз орзу-умидларининг рўёби ҳамда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзу ишларимизнинг мустаҳкам асоси, шунингдек, келажак авлодларимизга безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадрият эканини акс эттиргани билан ҳам муҳимдир.

Ўттиз беш йил тарих олдида улкан аҳамиятли рақам бўлмаслиги мумкин. Аммо давлатчилигимиз тарихида 35 йил мобайнида амалга оширилган ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлидаги оламшумул янгиланишлар



ҳатто жаҳон тарихи зарварларига ёзилаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айниқса, сўнгги ўн йилликка назар соладиган бўлсак, Ўзбекистон нафақат ички сиёсатда, балки ташқи иқтисодий-сиёсий жараёнларда ҳам илгариларига қўйиб олган, стратегик ислохотлари билан нуфузли давлатлар қаторидан жой олаётгани ҳеч биримизга сир эмас.

Мазкур вақт мобайнида янги Ўзбекистоннинг “конституциявий ўзлигини” белгилаб берган тарихий ислохотлар кечиб, Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, очик ва адолатли жамият экани, инсон қаҳри, ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳар нарсадан улуглиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ишлаб чиқилди ва ҳаракатга келтирилди. Буюк мақсадларни ўзида мужжасам этган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек шарафли йўл учун мақсад ва вазифалар илгари сурилди. Бу жараёнлар ўз натижасини бераётгани билан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистон дунёга очилди. Дунё ҳам янги Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Яхши қўшничилик алоқалари фонида қўшни давлатларнинг ички сиёсатига аралашмаслик, ташқи сиёсатда эса тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш буюк улугвор мақсадлар илгари сурилмоқда.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“15-20 йил олдин ўқув мавсумининг тенг ярми пахта дала-сида ўтиб кетарди. Олий таълим тизими коррупциялашган, тараққийётдан ортда қолган эди. Аммо бугун таълим, илм-фан соҳасига қаратилган эътибор туфайли бу муаммолар ечимини топди.

соҳаси, айнан Ўзбекистоннинг салкам 6,5 миллион ўғил-қизи ўқийдиган, энг узоқ давом этадиган, ҳал қилувчи босқичи — мактаб таълимидаги янгиланишлар ҳосиласидир.

Албатта, илм йўлида ёшларнинг олий таълимга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Аммо бунинг учун, биринчи навбатда, университет ва институтларга киришда давлат имтиҳонларидан ижобий натижага эга бўлиш керак. Бунда ёшларимизга турли ўқув марказлари кўмаки бўлмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

дорлиги қаррасига ортиши кўзланмоқда. Шунингдек, “Кўмак” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказлари фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача фозисиз ссуда берилди. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фоз, ўқитувчилар учун даромад солигини 7,5 фоз миқдорда тўлайди.

Албатта, ёшларнинг илм-фанга қадам қўйишида олий таълимнинг аҳамияти катта. Аммо илгари моддий аҳоли оғирлиги ёки оилавий шароити сабаб университетларни ташлаб кетаётганлар

камраб олган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” орқали юртдошларимиз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли имтиёз ва имкониятлар тақдим этилиши уларнинг ҳаётини янги босқичга кўтарди.

Масалан, ўқиш истагидати йигит-қизлар “Ёшлар дафтари”га кириб, ўқув марказлари тўлови ёки олий таълим муассасаси контракт пулларини тўлаш имконига эга бўлди. Ёлғиз аёллар ёки камбағал оила қизлари “Аёллар дафтари” орқали тикувчилик ёки қичик қандолатчилик марказларини бунёд этиб, давлатнинг қўллови билан риску насибасини кўпайтирди. “Темир дафтар” одамларнинг темир иродасини букаётган, фаровон ҳаётга тўсқин бўлаётган уй-жой ёки бошқа бирламчи эҳтиёжларини ҳал этишда муҳим воситага айланади.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг магистратура босқичида тахсил олиши учун контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилмоқда. Натижада университет учун 300 миллион сўмгача фозисиз ссуда берилди. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фоз, ўқитувчилар учун даромад солигини 7,5 фоз миқдорда тўлайди.

Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
30646 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаева

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎЗА яқуни — 21:05 Топширилди — 23:35